Milliy tiklanishdan-milliy yuksalish sari!

# BoysuN

2024-yil 9-fevral
№ 3 (6418)

Ijtimoiy - siyosiy gazeta

http://boysungazetasi.uz/

Gazeta 1932-yil 1-maydan chiqa boshlagan

Xalq deputatlari Boysun tuman Kengashi va tuman hokimligining gazetasi

**2024-yil — Yoshlar va biznesni qo`llab-quvvatlash yili**

SESSIYA

## YIL YAKUNI MUHOKAMASI

*Bugungi jarayonlarning natijasi o`laroq har bir sohada yangiliklar bo`lishi taqozo etiladi.*

Dastavval, tarmoqlarda vujudga kelgan muammolarni bartaraf etish barobarida aholi murojaatlari, taklif va mulohazalariga e'tibor bersangiz shuning o`zi yangiliklar sahifalarini ochib beradi. Xalq deputatlari tuman Kengashining 71-sessiyasida muhokama etilgan o`ndan ortiq masalalarning mazmun-mohiyati biz yuqorida tilga olgan fikrlarga hamohangdir. Tuman hokimi Bohadir Shukurov, tuman Xalq qabulxonasi mudiri Sherzod Qodirov, tuman ichki ishlar bo`limi boshlig`i o`rinbosari Ilhom Ro`ziyev, Oila va xotin-qizlar bo`limi boshlig`i Saodat Jo`raqulova, tuman moliya bo`limi mudiri Shavkat To`rayev, tuman hokimining o`rinbosari Shuhrat Normo`minovlar sohalarda va sektorlar kesimida o`tgan yil mobaynida bajarilgan ishlar, xususan, aholi bandligini ta'minlash, yoshlar hamda xotin-qizlarni ishga jalb etish, aholi murojaatlari asosida sohalar va mahallalarda bajarilgan ishlar, xalq murojaatlarining ijrosini ta'minlash, mahalliy byudjet mablag`larini tarmoqlar bo`yicha yo`naltirish, tumanda jinoyatchilikka qarshi kurash borasidagi amalga oshirilgan ishlar to`g`risida o`z ma'ruzalari bilan chiqish qildilar. Tuman Kengashi deputatlari Fayziddin Tursunqulov, Bobomurod Shoimov, Nazar Turdiboyev, Zohida O`zbekova, Elmurod Poshshoyev, Abdulla Rahimov yuqoridagi masalalar bo`yicha o`z fikr-mulohazalarini bildirdilar.

Shuningdek, sessiyada ishtirok etgan Xalq deputatlari viloyat Kengashi kotibiyat mudiri Saydullo Abdurayimov aholi murojaatlarini qat'iy tartibga solish, bu borada omma o`rtasida keng tushuntirishlar o`tkazish, sessiya qarorlarining ijrosini ta'minlash to`g`risida gapirdi.

Sessiyada muhokama etilgan masalalar yuzasidan qaror qabul qilindi.

**Bekmurod HAYITOV, O`ktam JABBOROV,**
**tuman Kengashi deputatlari.**



## ОТАЛАР ФАРЗАНД ТАРБИЯСИГА МАСЪУЛ

***Фарзанд тарбиясидек муҳим йўналишда уларга билим, тарбия бериш билан мақсадга эришиш борасида камлик қилаётган томонлар борлигини ҳаётнинг ўзи кўрсатиб турибди.***

Биринчи навбатда ўқувчи-ёшларга билим-тарбия бериш асносида уларнинг кунлик шуғулланаётган ишига нисбатан иштиёқини шакллантириш, ошириб бориш, атрофдагиларга муносабатни яхшилашга ҳам эътибор қаратиш даркор. Юртбошимиз беш муҳим ташаббусни жорий этиш таклифини ўртага ташлар экан, айнан ўқувчи дарсга, машғулотларга тайёр ҳолда келиши билан бирга албатта, бўш пайтларида санъат, спорт, китобхонлик, компьютер саводхонлиги ва касбга доир жараёнлар билан шуғуллансагина кўзлаган мақсадга эришишимизни вазифа қилиб қўйди.

Бежизга бола тарбиясида нафақат ўқитувчилар, балки ота-оналар биринчи навбатда масъул эканлиги таъкидлаб келинаётгани йўқ. Кези келганда ўқувчи ўз ўқитувчисидан эмас, балки отасидан кўпроқ ҳайиқиши мумкин. Ва унинг талаб-истакларини сўзсиз бажаради ҳам. Айнан шу ҳолат "Оталар — оила таянчи", "Оталар — фазанд тарбиясига масъул" сингари тарбия жараёнларининг туғилишига асос бўлган бўлса не ажаб.

Билим даргоҳимизда вақти-вақти билан ота-оналар жалб этилиб, улар иштирокида одоб-ахлоқ мавзуида тадбирлар ўтказилиб борилади. Кўпни кўрган отахон ва онахонлар билан суҳбатлашиб, уларнинг ўгитларига қулоқ тутамиз. Бир вақтнинг ўзида "Оталар куни", "Оталар — оила таянчи", "Оталар фарзанд тарбиясига бевосита масъул" мавзуидаги уюштирилган тадбирлар натижаси ўлароқ ўқувчи-ёшларимизнинг дарсларни ўзлаштириши, жамоат ишларида фаол қатнашиши, энг асосийси, ижодкорлиги кундан-кун ошиб бораётганлиги таҳлил этилади. Уларнинг туман ва вилоят миқёсидаги баҳсларда фаол иштирок этиб, юқори ўринларга сазовор бўлаётгани ота-она ва ўқитувчилар саъй-ҳаракатларининг маҳсулидир.

Яқинда билим даргоҳимизда уюштирилган "Оталар куни" тадбирида шахсан туман ҳокими Боҳадир Шукуров, Республика маънавият ва маърифат маркази туман бўлими раҳбари Сурайё Газиева ва бошқа вакиллар ташриф буюриб, бу борада амалга оширилаётган ишлар билан танишар эканлар, ўз таассуротлари билан ўртоқлашиб, галдаги вазифаларни алоҳида таъкидлаб ўтдилар. Фарзанд тарбиясида оталарнинг роли, айниқса, уларнинг хушахлоқли, иштиёқманд, катталарга ҳурмат, кичикларга иззатда бўлишларига оиланинг, ота-онанинг таъсири хусусидаги мулоҳазалар биз ўқитувчилар учун йўлланма бўлди, десак арзийди. Йиғилиш сўнггида фарзанд тарбиялашда ўрнак бўлиб келаётган оталарнинг бир гуруҳи туман, ҳокимлиги ва секторлар томонидан муносиб рағбатлантирилганлиги оталар масъулиятини янада ошириши турган гап.

**Нилуфар ТУРОБОВА,**
**4-умумий ўрта таълим мактаби директори.**

## ВАТАН МЕҲРИ

***Ушбу туйғу ҳар бир инсон қалбида гўдаклигиданоқ пайдо бўлиб, умрининг охиригача тарк этиб бўлмайдиган бебаҳо қадриятдир. Ватанга бўлган меҳр-муҳаббати ҳақида ҳеч қачон чурқ этмаган инсоннинг ҳам кўнгил тубида "Мен унда ўсиб-улғайдим, сиз кўриб турган бу камолотнинг барчаси шу Ватан бағрида менга улашилди", деган бир яширин туйғу қалқиб туради.***

Инсон кексайиб борар экан унда Ватанга бўлган меҳр-муҳаббат ва садоқат туйғулари ҳам ортиб бораверади. Шундан бўлса керак, мусофирликда, Ватандан айро бошқа юртларда қолиб кетган инсон ёшини яшаган сари ўзи туғилиб ўсган жойини қўмсаб, Ватанига қайтиш йўлини излай бошлайди. Ватан соғинчи, Ватан меҳри дея аталмиш улуғ туйғу уларни мана шунга даъват этади мудом.

Тарихда эса бунга исталганча ҳаётий мисолларнинг гувоҳи бўлишимиз мумкин. Кўҳна мозийдан маълумки, тақдир измига кўра аксарият умри мусофирликда ўтган, туғилган гўшасидан узоқларда иккинчи ватан қилиб, умргузаронлик қилган буюк шахслар ҳам умри поёнига етганда имкон топиб, туғилиб ўсган Ватанига қайтишга интилишган, бунинг имкони бўлмаганда, ҳеч бўлмаса хокини Ватанига олиб боришларини васият қилишган.

Ҳукмдор Амир Сабуктегин ҳаёти бунга мисол бўлиши мумкин.

"Тарихий Яминий" асарида қайд этилишича, Амир Сабуктегинга мусибатлар измаиз келишда давом этган. Ҳатто азиз синглиси ҳам оламдан ўтиб, уни тарк этади. Мусибатлар занжири амир тўшакка михланиб қолгунича давом этаверади. Хаста амир ҳаётининг сўнгги дақиқаларигача ўз Ватани Ғазнага бориш, унинг мусаффо ҳавосидан нафас олиб, зилол сувларидан қониб ичишни, Ватан меҳридан сўнгги бор баҳраманд бўлишни орзу қилади. Бироқ паймонаси етиб, энди тўшакдан тура олишнинг имкони йўқлигини англагач, жасадини ўзи туғилган юрт — Ғазнага олиб боришларини васият қилади ва Амир Сабуктегин ўлимидан сўнг Ғазнада дафн этилади.

Ватандошимиз Бобур, гарчанд Афғон ва Ҳинд тупроғини забт этиб, ўз замонасининг буюк империясига асос солган бўлсада, бир умр Ватанини соғиниб, Ватан меҳрига зор бўлиб ўтди. У ҳамиша Андижонга қайтишни орзу қилди. Андижон, она Ватан тушларини тарк этмади. Бу соғинч, унинг ғазалларида, беқиёс автобиографик асари "Бобурнома"да ҳам асосий мавзу бўлди. Пировард, шоҳ ва шоир Бобур вафотидан кейин бир қанча вақт ўтиб, унинг хокини Кобулга кўчиришиб, қайта дафн этишди. Ҳар ҳолда Кобул узоқ Ҳиндистон — Аградан Андижонга яқинроқ маскан эди...

Ҳаким ат-Термизий, имом Термизий ва бошқа ўнлаб буюк ватандошларимиз ҳам илм излаб йиллар давомида узоқ юртларда мусофирчиликда умргузаронлик қилган бўлсалар-да, охир-оқибат Ватанларига қайтишган. Ваҳоланки, улар ўша бегона юртларда ҳам улуғ ном, шон-шуҳрат, меҳр-муҳаббат ва юксак эътиборга эга эдилар. Фақат Ватан соғинчи уларни туғилган гўшаларига қайтишга ва сўнгги манзилни Ватан тупроғидан танлашга даъват этган.

Яна бир буюк бобомиз, ўзбек классик адабиётининг асосчиси Алишер Навоий ҳам Астрободга қилинган сургун пайтларида мудом Ҳиротга қайтиш орзуси билан яшаганлар. Бу ҳақда Ҳусайн Бойқарога неча бор хатлар йўллагани, ғазаллар битгани ва ҳеч бир мушкулот Ватан соғинчидек азобли эмаслигини таъкидлаб келганлар.

Ватан соғинчи ҳақида фикр юритар эканмиз, пайғамбаримиз Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи васаллам ҳаётлари билан боғлиқ бир воқеани ҳам эслаб ўтиш жоизки, бу ҳам Ватан меҳридан бебаҳра инсонлар учун буюк ибрат бўлиши шубҳасиз.

Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи васалламнинг Маккаи мукаррамага бўлган иштиёқлари (соғинчлари) вақти-вақти билан у кишини осмонга тикиладиган қилиб қўйди. Расулнинг қалбида кечган нарсани билган Зот намоз ўқиб турган жойларида қиблани Ақсодан Каъбага бурганлиги ҳақида ваҳий юбориб бурилишга амр қилди.

Ҳа азизлар, инсон учун Ватан меҳридек буюк бахт йўқ. Аслида, киндик қони тўкилган тупроқ — Ватан ҳар бир бандасига Яратган ато этган энг буюк неъмат, бойликдир. Шу боис уни асраш, авайлаш, обод этиш ва ёмон кўзлардан сақлаш банданинг бурчи, вазифасидир. Зотан, Ватан меҳри қалбидан жой олган, Ватан ҳимоясидек шарафли бурчни унутмаганлар дунё ва охират мукофотларига лойиқ кўрилувчи кишилар бўлиб, улар боис Ўзбекистон аталмиш жаннатмакон юртимиз, она Ватанимиз тинч, фуқаролари эса осуда, фаровон ҳаёт кечиришлари мудом кафолатланган бўлади.

**Аббосхон АБДУЛЛАЕВ,**
**Имом Термизий халқаро илмий-тадқиқот маркази илмий ходими.**

## „ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН" СЎЗАНАСИ

### У ДУНЁНИНГ ЭНГ КАТТА СЎЗАНАСИ РЕКОРДИНИ ЯНГИЛАЙДИ

**Бойсун миллий ҳунармандчилик мактабига асос солган ота-боболаримиз қолдирган ўзига хос бетакрор мерос ва бугунги авлод ҳунармандларимиз яратаётган бебаҳо асарлар билан чиндан-да фахрлансак арзийди.**

Дунё лол қолаётган, дунё эътироф этаётган миллий ҳунармандчилик маҳсулотларимиз намуналари чиндан-да Бойсунимиз эталони — бренди, рамзига айланаётгани барчамиз учун фахр, ифтихор туйғуларини уйғотиши шубҳасиз. Айниқса, наинки Бойсун фольклор маданияти, балки дунё фольклор маданиятини тарғиб этиш ва ривожлантириш бош мавзуси бўлган "Бойсун баҳори" халқаро фольклор фестивали анъанавий тарзда ўтказилиши йўлга қўйилгач, миллий ҳунармандчилик санъатимиз қайта дунёга келиш ва ривожланиш палласига чиқди.



Шундай замонлар бўлдики, биз аждодларимиздан қолган сўзана, каштадўзлик, миллий гиламдўзлик каби ҳунарларни эмас, балки шу касбларни англатувчи ибораларни ҳам унутиб қўйдик сал бўлмаса. Шахсан ўзим ҳар гал "Бойсун баҳори" фестивалида иштирок эта туриб, Ўзбекистонимиз миллий ҳунармандчилик санъати нақадар рангбаранг, нақадар бой ва бетакрор эканлигига амин бўламан.

Айниқса, Бойсун каштачилик, сўзаначилик мактаби... нақадар ўзига хос...

Малика Подшоева, Санобар Орипова, Нилуфар Жўраева, Назокат Собирова, Хадича Раҳмонқулова... Уларнинг ҳар бирининг ўз мактаби, ўз услуби, йўналиши бор.

2019 йилда бўлиб ўтган "Бахши" халқаро фестивалида Малика Подшоева бошчилигидаги бир гуруҳ ҳунарманд каштадўзлар дунёдаги энг улкан сўзанани тайёрлаб, ўзига хос рекорд ўрнатишганди. Мана, орадан беш йил ўтиб, ушбу дунё рекорди яна янгиланиш арафасида.

Анча вақтдан буён ОАВ ва ижтимоий тармоқларда бу ҳақда тинимсиз хабарлар берилаётганига қаноат қилмай, азалдан миллий қадриятларга ва миллий қадриятлар қадрига етадиган инсонларга ҳурматим баланд бўлгани боис Нилуфар Жўраева бошчилигидаги "Dreams Shahrinaz" ҳунармандчилик корхонасида бўлиб, ушбу ҳунармандчилик асарининг тайёрланиш жараёнлари билан танишдим.

Ажабо, "Янги Ўзбекистон" логотипи туширилиши мақсад қилинган гигант сўзананинг умумий ҳажми 160 квадрат метр экан. Айтишга осон, ахир бу узунлиги 32 метр ва эни қарийб 5,5 метр дегани. Моҳир ҳунармандлар томонидан аввал 25 бўлакдан иборат сўзана матосини ўзаро бириктириб, яхлит ҳолига келтирилгач унга миллий нақшлар солинади. Сўнгра қайта бўлакланган қисмларга сўзанадўзлар игнада гул босишади. Кейинги босқичда гул туширилган барча қисмлар йиғилиб, тайёр ҳолатга келтирилади.

Таъкидлаганимдек, қарийиб юз нафар моҳир ҳунармандлар уч ой машаққатли меҳнат қилиши керак бу мўъжиза тайёр бўлиши учун...

Дарвоқе, фестиваль ишчи гуруҳидан олинган маълумотга кўра ушбу гигант сўзана "Бойсун баҳори" фестивалининг шов-шувли намойишларидан бири бўлиши кутилмоқда.

**Нормаҳмад ШАРИПОВ,**
**ЎзМТДП туман Кенгаши раиси, туман Кенгаши депутати.**

## ДУНЁНИ ЧОРЛАЙДИ "БОЙСУН БАҲОРИ"

*Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 7 февралдаги "Бойсун баҳори" халқаро фольклор фестивалини ташкил этиш ва ўтказиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорига мувофиқ ҳар икки йилда бир марта ўтказилиши белгиланган "Бойсун баҳори" халқаро фольклор фестивали жорий йил май ойининг биринчи ўн кунлигида ўтказилиши расман эълон қилинди.*



Фестивалнинг халқаро даражадаги нуфузи ҳар доимгидан ошиб бораётгани эътиборга олинган ҳолда аслида тайёргарлик ишлари 2023 йилнинг аввалиданоқ бошланган эди. Сурхондарё вилояти ҳокими Улуғбек Қосимовнинг таклифи асосида айнан "Бойсун баҳори" фольклор фестивалини ҳар доим юқори савияда ўтказилишини мунтазам таъминлаш мақсадида туман марказида йирик туризм комплекси қурилиши бошлаб юборилди. Айни пайтда бу ерда замонавий меҳмонхона, этноспорт майдончалари, дам олиш масканлари, ресторан, вилоятлар қўрғонлари учун махсус жойлар ва бошқа зарурий инфратузилма барпо этилмоқда.

Фестивални ташкил этиш ва ўтказишга масъул ишчи гуруҳлари зиммасига туризм комплексида қурилиш-ободонлаштириш ишларини жадаллаштириш ҳамда ўз муддатида якунлаш, йўл инфратузилмаларини яхшилаш, хорижлик ва маҳаллий меҳмонларга хизмат кўрсатиш сифатини халқаро талабларга яқинлаштириш, хусусан, тумандаги мавжуд меҳмонхоналар, жумладан, уй меҳмонхоналарда хизмат кўрсатиш маданиятини тубдан яхшилаш, фестиваль давомида анжуман дастури доирасида саёҳатлар ўтказилиши белгилаган ҳудудлар, зиёратгоҳларда барча шароитларни яратишни таъминлаш юклатилди.

Вилоят ҳокими Улуғбек Қосимов "Бойсун баҳори" халқаро фольклор фестивалига тайёргарлик кўриш ва ўтказишга доир навбатдаги йиғилишда, энг аввало, шаҳар марказини тартибга келтириш, марказий кўчалар атрофидаги тартибсизликлар, кўча савдоларини бартараф этиш, марказий кўча ва хиёбонларни таъмирлаш, кўкаламзорлаштириш масаласига алоҳида эътибор қаратиб, бу борада кенг жамоатчилик билан ҳамкорликда тезкор тадбирларни амалга ошириш лозимлигини алоҳида таъкидлаб ўтди.

Бу йилги фестивалда, мутахассисларнинг фикрига кўра ҳар доимгидан кўпроқ меҳмонлар ва иштирокчилар ташриф буюриши кутилмоқда. Шундай экан, мамлакатимиз туриз маскаларидан бирига айланаётган, табиати, ҳунармандчилик маданияти ва ўзига хос фольклор санъати билан дунёни ўзига қаратаётган Бойсун Сурхон воҳасининг том маънодаги туризм маркази сифатида эътироф этилишида "Бойсун баҳори" фестивалининг нуфузи ва салоҳиятини эътиборга олган ҳолда бўлажак халқаро анжуманнинг юксак дид ва савияда ўтказилишини таъминлаш учун барчамиз ҳамжиҳат бўлишимиз тақозо этилади.

**Юнус ХОЛИЁРОВ,**
**туман ҳокимлиги матбуот хизмати раҳбари.**

# XALQ DEPUTATLARI BOYSUN TUMANI KENGASHINING QARORI

***Xalq deputatlari Boysun tuman Kengashi deputatlarini ma'naviy va moddiy rag`batlantirish to`g`risida***

**O`zbekiston Respublikasi Oliy Majlisi Senati Kengashining 2017-yil 25-dekabrdagi "O`zbekiston Respublikasi Oliy Majlisi Senati a'zolarini va Xalq deputatlari mahalliy Kengashlari deputatlarini ma'naviy va moddiy rag`batlantirish tizimini joriy etish to`g`risida"gi KQ-278-III-sonli qaroriga asosan, Xalq deputatlari Boysun tuman Kengashida "Adolatli deputat", "Xalqparvar deputat", "Mehnatkash deputat" hamda "Faxriy deputat" maqomlari ta'sis etilganligi munosabati bilan 2023-yil davomida samarali faoliyat olib borgan, jamoatchilik va xalq orasida munosib obro`-e'tibor qozongan xalq deputatlari Boysun tuman Kengashi deputatlarini ma'naviy va moddiy rag`batlantirish maqsadida, Xalq deputatlari Boysun tuman Kengashining Reglament va deputatlik odobi masalalari bo`yicha doimiy komissiyasi takliflarini inobatga olib, xalq deputatlari tuman Kengashi qaror qiladi:**

1.Xalq deputatlari Boysun tuman Kengashi Reglament va deputatlik odobi masalalari bo`yicha doimiy komissiyasining Xalq deputatlari Boysun tuman Kengashi deputatlari orasidan "Adolatli deputat", "Xalqparvar deputat", "Mehnatkash deputat" hamda o`tgan chaqiriqda saylangan sobiq deputatlar orasidan "Faxriy deputat" maqomlariga nomzodlarni tanlab olish va tavsiya etish haqidagi 2024-yil 19-yanvardagi yig`ilish bayoni ma'lumot uchun qabul qilinsin.

2.Davlatimiz rahbari tashabbuslari asosida qonun hujjatlarini takomillashtirishda, joylarda saylovchilar bilan ishlashda, Xalq deputatlari Boysun tuman Kengashi faoliyatini OAVda yoritishda faollik ko`rsatgan quyidagi nomzodlarga "Adolatli deputat", "Xalqparvapr deputat", "Mehnatkash deputat" maqomlari berilsin.

-"Adolatli deputat" — Xalq deputatlari tuman Kengashi deputati Turdiboyev Nazar Xudoyberdiyevich

-"Xalqparvar deputat" — Xalq deputatlari tuman Kengashi deputati Allanov Xumoyiddin Muhiddin o`g`li

-"Mehnatkash deputat" — Xalq deputatlari tuman Kengashi deputati Shoimov Bobomurod

3.Quyida nomlari keltirilgan o`tgan chaqiriqlarda saylangan sobiq tuman Kengashi deputatlari Xalq deputatlari Boysun tuman Kengashida "Faxriy deputat" deya e'tirof etilsin.

4.Belgilab qo`yilsinki:

"Adolatli deputat", "Xalqparvar deputat" va "Mehnatkash deputat" maqomlarini olgan deputatlarga:

-tuman Kengashi qarori bilan tasdiqlangan shakldagi sertifikat va esdalik sovg`alari berilsin;

-keyingi saylovlarda siyosiy partiyalar tomonidan deputatlikka nomzod sifatida ko`rsatish haqida siyosiy partiyalarga tavsiya etiladi;

"Faxriy deputat" maqomiga sazovor bo`lgan sobiq deputatlarga.

-tuman Kengashi qarori bilan tasdiqlanadigan shakldagi sertifikat;

-tuman Kengashi, uning doimiy komissiyalari majlislarida va boshqa tadbirlarda ishtirok etish huquqi berilsin.

5.Yuqoridagi maqomlar berilgan deputatlar haqidagi ma'lumotlar va ularning fotosuratlari tuman Kengashi xonasining hamma ko`rishi mumkin bo`lgan joyida maxsus stendda joylashtirilsin.

6.Tumandagi siyosiy partiya rahbarlariga (H.Xalilov, T.Imomqulov, Z.O`zbekova, N.Sharipov, U.Boymatov) "Adolatli deputat", "Xalqparvar deputat" va "Mehnatkash deputat" maqomlari berilgan deputatlarni keyingi saylovlarda deputatlikka nomzod sifatida ko`rsatish tavsiya etilsin.

7.Tuman hokimining birinchi o`rinbosari (F.Normamatov) hamda tuman iqtisodiyot va moliya bo`limi mudiri (Sh.To`rayev)lar.

bir hafta muddat ichida Xalq deputatlari Boysun tuman Kengashidan "Adolatli deputat", "Xalqparvar deputat" "Mehnatkash deputat" hamda "Faxriy deputat" maqomlarini olgan deputatlar uchun beriladigan sertifikat, esdalik sovg`alari hamda boshqa xarajatlarning tuman mahalliy byudjet mablag`lari hisobidan moliyalashtirishni ta'minlasinlar.

8.Tuman hokimligi axborot xizmati (Yu.Xoliyorov), "Boysun" gazetasi tahririyati (D.Aripov)ga ushbu qarorni mahalliy ommaviy axborot vositalarida e'lon qilish vazifasi yuklatilsin.

9.Mazkur qaror nusxasi tumandagi siyosiy partiyalar va viloyat Kengashiga ma'lumot uchun yuborilsin.

10.Ushbu qarorning ijrosini nazorat qilish Xalq deputatlari Boysun tuman Kengashining Reglament va deputatlik odobi masalalari bo`yicha doimiy komissiyasi raisi (N.Turdiboyev) hamda Xalq deputatlari tuman Kengashi kotibiyat mudiri (Z.O`zbekova) zimmalariga yuklatilsin.

11.Mazkur qaror qabul qilingan kundan kuchga kiradi.

**Kengash raisi B.SH.SHUKUROV.**
**Boysun tumani, 2024-yil 31-yanvar, VI-67-12-8-110-K/24.**

# ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИ УЧУН МАЪМУРИЙ ЮК ЯНАДА КАМАЯДИ

***Тадбиркорлик субъектларига барча соҳаларда бўлганидек давлат органларига ҳисоботлар ва статистик маълумотларни тақдим этиш жараёнларини соддалаштириш борасида ҳам муҳим енгилликлар яратилмоқда.***

Зеро, бундан мақсад бизнесга маъмурий юкни камайтириш, ортиқча қоғозбозлик ва оворагарчиликларга барҳам бериш, энг муҳими, тадбиркорлик субъектларидан талаб қилинадиган ҳисоботлар олиш жараёнларига ҳам тўлиқ замонавий ахборот технологияларини кенг жорий этиш орқали маълумотларнинг автоматик тарзда шаклланишини йўлга қўйишдан иборат.

Эндиликда ушбу вазифалар Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 9 январдаги ПҚ-8-сонли "Тадбиркорлик субъектлари томонидан давлат органларига ҳисобот ва статистик маълумотларни тақдим этиш жараёнларини янада соддалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори асосида амалга оширилади.

Мазкур қарорга кўра тадбиркорлик субъектлари томонидан давлат органларига тақдим этиладиган ҳисобот ва статистик маълумотларнинг ягона рўйхати шакллантирилади. Ягона рўйхатга киритилмаган ҳисоботларни тадбиркорлик субъектларидан талаб қилиш тақиқланади. Шунингдек, ушбу тартибга кўра ҳисоботлар фақат ахборот тизимлари орқали тақдим этилади ва ҳисоботларнинг қоғоз шаклида топшириш тартиби бекор қилинади.

Таъкидлаш жоизки, 2026 йилнинг 1 январига қадар "Тадбиркорлик субъектининг шахсий кабинети" орқали ҳисоботларни шакллантириш ва давлат органларига тақдим этишни назарда тутувчи Ягона ҳисоботлар тизими жорий этилади. Унга кўра тадбиркорлик субъектлари томонидан ягона ҳисоботлар тизими орқали ҳисоботларни топшириш: 2026 йил 1 январдан барча тадбиркорлар учун ихтиёрий, 2027 йил 1 январдан кичик ва ўрта тадбиркорлик субъектлари учун мажбурий ва 2028 йил 1 январдан бошлаб барча тадбиркорлик субъектлари учун мажбурий тартибда амалга оширилади.

Тадбиркорлик субъектлари қонунчилик ҳужжатларида ҳисобга олиниши белгиланган маълумотларни Ягона ҳисоботлар тизимига киритиб борадилар. Ҳисоботлар Ягона ҳисоботлар тизимида автоматик тарзда шаклланади ва ҳисоботлардаги маълумотларнинг тўғрилигини тадбиркорлик субъекти тасдиқлайди.

**Гавҳар ҚОСИМОВА,**
**Бойсун туман Давлат хизматлари маркази бош мутахассиси.**

# БЎШ ИШ ЎРИНЛАРИ ТАКЛИФ ЭТИЛДИ

***Шаҳар маданият марказида ташкил этилган меҳнат ярмаркаси якунига кўра ўнлаб ишчи ёшлар доимий иш ўрнига эга бўлишди.***

Зеро, доимий иш ўринлари мавжуд, турли соҳаларда меҳнат қилаётганлар бугуннинг яратувчилари ҳисобланадилар. Аммо қайсидир сабаблар билан иш ўрнига эга эмас фуқаролар, айниқса, уюшмаган ёшларга бу борада кўмак бериш ҳам бугуннинг ишидир.

Ўша куни маданият саройи янада гавжумлашди. Камбағалликни қисқартириш ва бандликни таъминлаш, мудофаа ишлари, туман маданият, фавқулотда вазиятлар, Миллий гвардия бўлимлари, "Баркамол авлод" болалар маркази, "Ватанпарвар" ташкилоти ҳамда бойсунлик ҳунармандлар томонидан ташкил этилган кўргазмалар ҳам диққатга сазовор бўлди. Туманимиздаги элликдан ортиқ корхона, ташкилотлар ушбу меҳнат ярмаркасига 258 та бўш ўринлар билан қатнашдилар. Шу куннинг ўзида йигирма нафарга яқин фуқаролар доимий иш ўринларига эга бўлган бўлса, 36 нафар ишлаш истагини билдирганлар Германияга ўқиш ва меҳнат қилишга юбориш учун ўқув курсларига жалб этилди. Шунингдек, 27 нафар фуқаролар касбий таълимга йўналтирилиб, уларнинг малакаси ошгандан сўнг иш билан банд этилиши белгилаб олинди.

Хизматга лойиқ чақирув ёшидаги йигитларнинг 59 нафари муддатли, 16 нафар ёшларни эса шартнома асосида ҳарбий хизматга тайёрлаш масалалари ҳал этилди.



Ташкил этилган меҳнат бозорининг яна бир жиҳати шу куннинг ўзида субсидия асосида ўн нафар фуқароларга мотокултиватор, 15 нафарига тикувчилик дастгоҳлари, 5 нафар фуқароларга компьютер жамламаларининг топширилганлиги бўлди. Албатта, бундай имконият уларнинг бундан кейин мунтазам фойдали иш билан шуғулланишлари, оилага даромад келтиришларига замин яратади.

**Азамат ҒАФФОРОВ.**

# ОЛМОНИЯГА БОРИШНИ ИСТАЙСИЗМИ?



<u>**Туманимиз маҳаллаларида меҳнатга банд бўлмаган ёшлар учун яна бир имконият пайдо бўлди.**</u>

Юзлаб ўғил-қизларимиз махсус курсларда хориж тилларидан бошланғич сабоқ олиб, сўнг ишлаш ва ўқиш учун чет эл давлатларига жўнаб кетишлари мумкин.

Бу борада биринчилардан бўлиб 1-касб-ҳунар мактабида немис тили ўқув курси ташкил этилди. Германия давлатида ишлаш ва ўқиш истагини билдирган маҳалла ёшлари ҳамда билим юрти битирувчиларига айни пайтда малакали немис тили фани ўқитувчилари сабоқ бермоқдалар.

Куни-кеча вилоят камбағалликни қисқартириш ва бандликни таъминлаш бош бошқармаси бошлиғи С.Жумаев, туман ҳокими Б.Шукуровлар сектор раҳбарлари, масъуллар билан биргаликда билим масканида бўлиб, ўқув-тарбия ишлари билан яқиндан танишдилар. Ҳозиргача олтмиш нафар турли ёшдаги фуқаролар курсга жалб этилиб, олмон тилини ўрганиш баробарида Германиядаги иш шароитлари ҳақида маълумот олмоқдалар.

—Бу ҳаммаси эмас, — дейди касб-ҳунар мактаби директори Рўзигул Холмўминова. — Билим даргоҳимизда "Дуал таълими", IT йўналиши бўйича ҳам алоҳида курслар ташкил этилган.

Ҳа, фуқароларни, айниқса, маҳаллалардаги уюшмаган ёшларни шу тариқа меҳнатга жалб қилиш уларнинг келажаги учун муҳим аҳамият кас этади.

**П.НАЗАРОВ.**



# KORRUPSIYA TAHLILI DOLZARB MASALA

***<u>Yaqinda Xalq deputatlari tuman Kengashining korrupsiyaga qarshi kurash doimiy komissiyasining yig`ilishida komissiyasining hozirgacha bajargan ishlari tahlil etilib, bundan keyingi amaldagi vazifalar belgilab olindi. Yig`ilishda ishtirok etgan Xalq deputatlari viloyat Kengashining kotibiyat mudiri Saydulla Abdurayimovning korrupsiyaga qarshi kurash doimiy komissiya a'zolarining amalga oshirilishlari lozim bo`lgan galdagi ishlari xususidagi mulohazalari alohida e'tiborga molik.</u>***

Haqiqatan ham, maruzachining gaplarida jon bor. Odatiy holat — banklardan tortib, tibbiyot, xalq ta'limi, qurilish sohalarida ko`zbo`yamachilik, firibgarlik, maqsadsiz harakatlar, o`z manfaati uchun urinishlar yo`q deysizmi? Masalan, vrachlarimiz bemorni tekshirib, dori-darmon buyurarkan, dorixonalardan ularni olib kelish uchun albatta ikki nusxadan iborat retsept yozib beryaptilarmi? Aslo, hamon o`sha "pishakquloqlar" qo`ldan-qo`lga o`tib yuripti, xolos. Yoki ayollar, bolalarning davolanishi uchun tarqatilishi lozim bo`lgan bepul dori-darmonlarning taqsimlanishi risoladagidek deb o`ylaysizmi?

Yoki tijorat banklarida aholi daromadlarini oshirish, ularni tadbirkorlikka jalb etish uchun reklama tarzidagi e'lonlardan foydalanilyaptimi? Bundan tashqari, aholi omonatlarini foizli daromadlarga jalb etish bo`yicha gazeta va ijtimoiy tarmoqlarda biror marta chiqish qilingan emas. Qog`ozda maqsadli, hayotda esa maqsadsiz sarflanayotgan kredit mablag`lari yo`q deysizmi? Shuningdek, xalq ta'limi tizimlaridagi ta'magirliklar, qo`shib yozishlar aslo kechirilmas holdir. Olaylik, nari-beri bir million so`m maosh oladigan farrosh ishga joylashishi uchun ikki yuzdan besh yuz dollargacha talab qilishlari ta'magirlikdan boshqa narsa emas.

Komissiya yig`ilishida Saydullo Abdurayimovning yuqorida ta'kidlagan mulohazalariga hamohang Bekmurod Hayitov, O`ktam Jabborov, Samad Bahovuddinov, Fayziddin Tursunqulov singari deputatlarimiz ham o`z mulohazalarini bildirdilar. Ularga bundan keyingi ish dasturlarini yangilab, korrupsiyaga qarshi kurash borasida joylarda suhbat-tushuntirishlarni keng ko`lamda olib borish vazifasi topshirildi.

**Zohida O`ZBEKOVA,**
**Xalq deputatlari tuman Kengashi kotibiyat mudiri, tuman Kengashi deputati.**

# "ТАШАББУСЛИ БЮДЖЕТ"ДАН КЕЧ ҚОЛМАНГ

**Ўтган йили туманимизда "ташаббусли бюджет" асосида амалга оширилган ободончилик ва қурилиш ишларида бевосита юртдошларимизнинг ҳиссаси катта деб ўйлайман.**

Улар ўз маҳаллалари учун жон куйдириб, кўпроқ овоз олиш ҳаракатида бўлдилар. 50 дан ортиқ катта-кичик иншоотлар, ободончилик ишларининг амалга оширилишида уларнинг хизмати катта. Мана, 1 феврaлдан бошлаб "ташаббусли бюджет" жараёнларининг 2024 йил илк мавсумига старт берилди. Юртдошларимиз эътиборига шуни таъкидлаб ўтишимиз керакки, "ташаббусли бюджет"нинг таклифлар киритиш даври 1 февралдан 20 февралгача, лойиҳаларни саралаш эса 21 февралдан 1 мартгача овоз бериш ҳамда овоз тўплашлар 12 мартдан 31 мартга қадар давом этади. Агарда "ташаббусли бюджет"да фаол иштирок этиб, кўпроқ овоз олиш ҳаракатида бўлсангиз, қиймати 1 миллиард 360 миллион сўмгача бўлган лойиҳаларни амалга оширишга ўз ҳиссангизни қўшган бўласиз. Маҳаллангиз, гузарларингиз обод бўлиб, ишлаб чиқариш корхоналарининг янада тараққий этиши учун "ташаббусли бюджет" га фаол иштирок этиш сизнинг фуқаролик бурчингиздир.

**Файзиддин ТУРСУНҚУЛОВ,**
**Халқ депутатлари туман Кенгаши котибият мудири ўринбосари, туман Кенгаши депутати.**

"ТАСДИҚЛАЙМАН"
Бойсун тумани
ҳокими, 1-сектор раҳбари
Б.Ш.Шукуров
2024 йил "16" январь

"КЕЛИШИЛДИ"
Бойсун тумани
Халқ қабулхонаси мудири
Ш.Қ.Қодиров
2024 йил "16"январь

**Бойсун туман сектор раҳбарларининг 2024 йилнинг 16 январь кунидан 31 март кунига қадар фуқароларни оммавий сайёр қабул қилиш ЖАДВАЛИ**

| Сайёр қабул ўтказиш санаси ва вақти | Сайёр қабул ўтказиладиган маҳалла номи | Қабул ўтказиладиган жой |
|---|---|---|
| **I. Туман ҳокими Б.Ш.Шукуров** | | |
| 19.01.2024 й, соат 11:00 | "Газа" МФЙ | 1-сонли Касб-ҳунар мактаби |
| 24.01.2024 й, соат 11:00 | "Даштиғоз" МФЙ | 49-сонли мактаб биноси |
| 06.02.2024 й, соат 11:00 | "Хўжаидод" МФЙ | 18-сонли мактаб биноси |
| 07.02.2024 й, соат 11:00 | "Ўрмончи" МФЙ | 50-сонли мактаб биноси |
| 14.02.2024 й, соат 11:00 | "Пулҳоким" МФЙ | 28-сонли мактаб биноси |
| 21.02.2024 й, соат 11:00 | "Инкабод" МФЙ | 29-сонли мактаб биноси |
| 06.03.2024 й, соат 11:00 | "Дехиболо" МФЙ | 19-сонли мактаб биноси |
| 07.03.2024 й, соат 11:00 | "Дуоба" МФЙ | 17-сонли мактаб биноси |
| 20.03.2024 й, соат 11:00 | "Газа" МФЙ | 1-сонли Касб-ҳунар мактаби |
| 27.03.2024 й, соат 11:00 | "Даштиғоз" МФЙ | 49-сонли мактаб биноси |
| **II. Туман прокурори М.У.Ҳайитов** | | |
| 19.01.2024й, соат 15:00 | "Бибиширин" МФЙ | "Бибиширин" МФЙ биносида |
| 26.01.2024 й, соат 15:00 | "Бошработ" МФЙ | "Бошработ" МФЙ биносида |
| 02.02.2024 й, соат 15:00 | "Кофрун" МФЙ | "Кофрун" МФЙ биносида |
| 09.02.2024, соат 15:00 | "Тўда" МФЙ | "Тўда" МФЙ биносида |
| 16.02.2024й, соат 15:00 | "Пасурхи" МФЙ | "Пасурхи" МФЙ биносида |
| 23.02.2024 й, соат 15:00 | "Кўчкак" МФЙ | "Кўчкак" МФЙ биносида |
| 01.03.2024 й, соат 15:00 | "Боғиболо" МФЙ | "Боғиболо" МФЙ биносида |
| 07.03.2024 й, соат 15:00 | "Сариосиё" МФЙ | "Сариосиё" МФЙ биносида |
| 15.03.2024 й, соат 15:00 | "Авлод" МФЙ | "Авлод" МФЙ биносида |
| 26.03.2024 й, соат 15:00 | "Ширинобод" МФЙ | "Ширинобод" МФЙ биносида |
| **III. Туман ИИБ бошлиғи Ф.Т.Муртазоев** | | |
| 16.01.2024 й, соат 10:00 | "Чилонзор" МФЙ | 45-сонли мактаб биноси |
| 23.01.2024 й, соат 10:00 | "Мунчоқ" МФЙ | 37-сонли мактаб биноси |
| 30.01.2024 й, соат 10:00 | "Тиллокамар" МФЙ | 38-сонли мактаб биноси |
| 06.02.2024 й, соат 10:00 | "Хўжабулғон" МФЙ | 36-сонли мактаб биноси |
| 13.02.2024 й, соат 10:00 | "Сайроб" МФЙ | 41-сонли мактаб биноси |
| 20.02.2024 й, соат 10:00 | "Дарбанд" МФЙ | 10-сонли мактаб биноси |
| 27.02.2024 й, соат 10:00 | "Темир дарвоза" МФЙ | 11-сонли мактаб биноси |
| 05.03.2024 й, соат 10:00 | "Шифобулоқ" МФЙ | 16-сонли мактаб биноси |
| 12.03.2024 й, соат 10:00 | "Ўрта Мачай" МФЙ | 40-сонли мактаб биноси |
| 19.03.2024 й, соат 10:00 | "Юқори Мачай" МФЙ | 46-сонли мактаб биноси |
| 26.03.2024 й, соат 10:00 | "Қизилнавр" МФЙ | 24-сонли мактаб биноси |
| **IV. Туман ДСИ бошлиғи Т.М.Сарманов** | | |
| 18.01.2024 й, соат 10:00 | "Оби" МФЙ | 4-сектор штаби биноси |
| 25.01.2024 й, соат 10:00 | "Пойгабоши" МФЙ | "Пойгабоши" МФЙ биноси |
| 01.02.2024 й, соат 10:00 | "Косиблар" МФЙ | 13-сонли мактаб биноси |
| 08.02.2024 й, соат 10:00 | "Мустақиллик" МФЙ | 39-сонли мактаб биноси |
| 15.02.2024 й, соат 10:00 | "Тузбозор" МФЙ | 2-сонли мактаб биноси |
| 22.02.2024 й, соат 10:00 | "Чорчинор" МФЙ | 4-сонли мактаб биноси |
| 01.03.2024 й, соат 10:00 | "Оби" МФЙ | 4-сектор штаби биноси |
| 14.03.2024 й, соат 10:00 | "Пойгабоши" МФЙ | "Пойгабоши" МФЙ биноси |
| 20.03.2024 й, соат 10:00 | "Арик-усти" МФЙ | "Арик-усти" МФЙ биноси |
| 28.03.2024 й, соат 10:00 | "Токчи" МФЙ | 47-сонли мактаб биноси |

Туман прокурори, 2-сектор раҳбари: М.Ҳайитов

Туман ИИБ бошлиғи, 3-сектор раҳбари: Ф.Муртазоев

Туман ДСИ бошлиғи, 4-сектор раҳбари: Т.Сарманов

# OTALIK HUQUQI QAY TARTIBDA TIKLANADI?

***Tuman adliya bo`limiga kelgan qirq yoshdagi yigit aynan shu savol bilan bizga murojaat etdi:***

—Uch yil avval sud tomonidan otalik huquqidan mahrum etilgan edim. O`zgardim, hayotning o`zi meni izga soldi. Aytmoqchimanki, endilikda farzandimga nisbatan otalik huquqimni tiklash imkoniyati bormi?

Ha, buni otalik huquqidan mahrum etilmasdan oldinroq o`ylash kerak edi. Modominki, otaga farzand kerak ekan, buning uchun ham qonunlarimiz doirasida aniq javoblar bor. Qaysiki, ota yoki onaning farzandlariga nisbatan otalik yoki onalik huquqini tiklash bevosita birining da'vo arizasiga binoan sud tartibida amalga oshiriladi. Faqat birinchi navbatda ular o`z xulq-atvorini o`zgartirishi, turmush tarzini izga tushirishi, bola tarbiyasiga bo`lgan munosabatini yaxshilagan bo`lishlari kerak. Otalik va onalik huquqini tiklash to`g`risidagi ishlar vasiylik hamda homiylik organlarining, shuningdek, prokurorning ishtirokida ko`rib chiqiladi. Eng muhimi, bu ishga o`n yoshdan o`tgan bolaning ota-onaga nisbatan fikri alohida ahamiyatga ega. Aks holda ota-onalik huquqlarini tiklash, bola manfaatlariga zid bo`lgan taqdirda sudlar tomonidan rad etiladi. Shuningdek, o`tgan davr mobaynida bolani farzandlikka olgan yoki farzandlikka olish bekor qilingan ota-onaning huquqini tiklashga yo`l qo `yilmaydi.

Huquqiy mavzudagi bu kabi savollarga hamisha javob bor. Biz keyingi chiqishlarimizda otalikni belgilash, tug`ruq guvohnomalarini tiklash mavzulari xususida batafsil so`z yuritamiz. Mabodo siz aziz mushtariylarda ham qandaydir huquqiy mavzuda savollar tug`iladigan bo`lsa, darhol huquqni muhofaza qilish organlari yoki bevosita gazeta tahririyatiga murojaat qilishingiz mumkin.

**Muborak XOLIQOVA,**
**tuman adliya bo`limi FHDYO bo`linmasi inspektori.**

# JADIDLAR HAOTI YOSHLARGA IBRAT

***Muhtaram Prezidentimiz Respublika ma'naviyat va ma'rifat Kengashining 2023-yil 22-dekabrda bo`lib o`tgan yig`ilishida ko`pgina muhim masalalar qatorida jadidchilik harakati haqida ham dolzarb fikrlar bildirib, muhim takliflarni ilgari surdilar.***

Darhaqiqat, tariximizning eng kir, qora kunlarida bu harakatni boshlagan ma'rifatparvar bobolarimiz o`z oldilariga buyuk maqsadlarni qo`ygan edilar. Ular eng avvalo, xalq, millat taqdiri, uning istiqbolini o`ylab yangi g`oyalarga suyangan holda millat hayoti, ma'naviyati, ma'rifatini yuksaltirish, milliy istiqlolga erishishda o`ziga xos yangilikka intilishdi (aslida "jadid" so`zi "yangi" demakdir) va shu yo`lda hatto jonlarini ham fido qilishdi.

Prezidentimiz jadidchilik harakati haqida fikr bildirar ekanlar, jadid bobolarimizning ilgari surgan g`oyalari, ular qoldirgan ma'naviy-ma'rifiy meros bugungi yosh avlod ta'lim-tarbiyasi uchun ham nechog`li muhimligini eslatib aytgan quyidagi takliflari ayniqsa e'tiborlidir: "Umuman, biz jadidchilik harakati, ma'rifatparvar bobolarimiz merosini chuqur o`rganishimiz kerak. Bu ma'naviy xazinani qancha ko`p o`rgansak, bugungi kunda ham bizni tashvishga solayotgan juda ko`p savollarga javob topamiz. Bu bebaho boylikni qancha faol targ`ib etsak, xalqimiz, ayniqsa, yoshlarimiz bugungi tinch va erkin hayotning qadrini anglab yetadi".

Davlatimiz rahbarining ushbu takliflari eng avvalo ziyolilar, ijodkorlar va ma'naviyat-ma'rifat targ`ibotchilari oldiga jadid bobolarimiz hayoti, ular qoldirgan boy ma'naviy merosni targ`ib qilishda alohida mas'uliyat qo`yishini e'tiborga olgan holda tuman Axborot-kutubxona markazi xodimlari ham avvalo yoshlar orasida jadidlar faoliyatini targ`ib qilishga qaratilgan vazifalarni belgilab olishdi. Xususan, barcha xodimlar joriy yil ish rejalarida ushbu mavzu doirasida kitobxon yoshlar orasida tadbirlar, ma'rifatparvar jadidlar ijodiga bag`ishlangan ikitobxonlik tanlovlari o`tkazib borishni rejalashtirdilar.

Belgilangan vazifalar doirasida yaqinda ushbu mavzudagi dastlabki tadbir — Axborot-kutubxona markazi qoshidagi "Yosh kitobsevarlar" klubi a'zolari ishtirokida "Jadidlar izidan" nomli davra suhbati tashkil etildi.



Jadidchilik harakatining yirik namoyandasi Mahmudxo`ja Behbudiy tavallud kuni munosabati bilan o`tkazilgan tadbirda ishtirokchilarga Behbudiy hayoti va faoliyati haqida ma'lumotlar berish qatorida, sho`ro davrining dastlabki yillarida xalqimizning hurligi, ozodligi yo`lida yangi g`oyalarni ilgari surgan Fitrat, Abdulla Avloniy, Abdulla Qodiriy kabi o`nlab ma'rifatparvar bobolarimizning fojiali hayoti xususida qimmatli ma'lumotlar berildi. Shuningdek, jadid bobolarimiz qoldirib ketgan boy ma'naviy meros — ularning asarlarining mazmun-mohiyati va ahamiyati haqida qisqa ma'ruzalar qilindi.

**Bahriniso MAMATQULOVA,**
**Boysun tuman axborot-kutubxona markazining Axborot texnologiyalar bo`yicha mutaxassisi.**

# "ПРОКУРОР КУБОГИ" УЧУН

**Спорт**



**Ҳа, гарчи қиш мавсуми бўлишига қарамай жорий йил спорт мусобақалари ҳам бошлаб юборилди. Болалар спорт мактабининг ёпиқ аренасида ҳафта давомида 14-30 ёшли ўғил ва қиз болалар ўртасида давом этган "прокурор кубоги" баҳсларига якун ясалди.**

Қизиқарли ўтган волейбол беллашувларида Даштиғоз, Инкобод, Пасурхи маҳалла спортчилари омадли жамоа сифатида тан олиндилар. Бундан ташқари, баҳсларга бой шахмат-шашка мусобақаларида Чингиз Тўраев, Мусулмон Бўронов, Зоҳид Турдиалиев, Азамат Нормаматов, Жавоҳир Турдиалиев, Элбек Нормуродов сингари ёшларнинг қўли баланд келди. Мусобақа сўнггида ғолиб спортчи ёшларга рағбатлантирувчи мукофотлар топширилди.

**А.НЕЪМАТУЛЛАЕВ, Ёшлар ишлари агентлиги туман бўлими бош мутахассиси.**

# KORXONA VA TASHKILOTLAR RAHBARLARI DIQQATIGA!

Boysun tumanida faoliyat ko`rsatayotgan kichik korxona va mikrofirmalar 2023-yil yakuni uchun taqdim etiladigan 1-KB shakli (yillik) statistika hisobotini 2024-yilning 27-fevraligacha, fermer xo`jaliklari esa 1-FX shakli (yillik) statistika hisobotini 27-fevralidan kechiktirmay, nodavlat notijorat tashkilotlar 1-NNT shakli (yillik) statistika hisobotini 2024-yilning 4-martidan kechiktirmay, notijorat tashkilotlari esa 1-Notijorat shakli (yillik) 2024-yilning 11-martidan kechiktirmay statistika organlariga my.stat.uz saytidan shaxsiy kabinet orqali elektron shaklda taqdim etishlari shart.

Statistika hisobotlarini o`z vaqtida taqdim etmagan yoki noto`g`ri taqdim etgan korxona va tashkilot rahbarlari va mas'ul xodimlariga nisbatan O`zbekiston Respublikasining "Rasmiy statistika to`g`risida"gi qonunining 40-moddasi hamda O`zbekiston Respublikasi "Ma'muriy javobgarlik to`g`risida"gi Kodeksning 215-moddasiga asosan ma`muriy javobgarlik choralari ko`rilishi to`g`risida ogohlantiramiz.

**BOYSUN TUMAN STATISTIKA BO`LIMI Telefon:763351900, 975330408.**

# ПОМИДОР ҲАМ ЗАРАРЛАНАДИ

Долзарб қирқ кунлик давом этаётган айни пайтда биз иссиқхона шароитида етиштирилаётган помидор ҳосилига зарар бериши мумкин бўлган вирус хасталиги ва ундан сақланиш хусусида тўхталмоқчимиз. Маҳсулотнинг туганакларига жигарранг бужмайишлар пайдо бўлдими, билингки, улар зарарланган. Барглардаги зарарланиш жойлари яшил, намлик билан тўйинган ноаниқ шаклдаги доғларнинг ўлчамлари ортиб, жигарранг тусга киради ва қоғозсимон бўлиб қолади. Бу эса полиз маҳсулотларининг нормал ривожланишига халал бериб, кутилган натижа бермайди. Шунинг учун ҳам помидор туганакларида жигарранг бужмайиш вирус касаллиги пайдо бўлмаслиги учун агромутахассислар билан бамаслаҳат касалланишнинг олдини олиш чораларини кўришни тавсия этамиз.

**Азимжон НОРБОЕВ, Искандар РАЙИМНАЗАРОВ,**
**туман ўсимликлар карантини ва ҳимояси инспекторлари.**

# ТУМАНИМИЗНИНГ ЎТГАН ЙИЛГИ ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ КЎРСАТКИЧЛАРИ

***2024 йил ҳолатига кўра 124 минг 598 нафар аҳоли истиқомат қилаётган туманимизда ўтган йил барча соҳаларда сезиларли ўсиш суръатлари қайд этилди.***

Йил давомида 143 миллиард сўмлик саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарилиб, 2022 йилга нисбатан 110,1 фоизга, шу жумладан халқ истеъмол моллари ишлаб чиқариш 73,3 миллиард сўмга ёки 107 фоизга етказилди.

2023 йилнинг январь-декабрь ойларида асосий капиталга киритилган инвистициялар ҳажми 3463,3 миллиард сўмни ташкил этиб, белгиланган режа 147,5 фоизга ошириб бажарилди. Шуни айтиш керакки, капиталга ўзлаштирилган инвестицияларнинг вилоятда энг юқори улушларидан бири Бойсун туманига тўғри келди. Бошқача қилиб айтганда инвестиция бўйича туманнинг вилоятдаги улуши 19,3 фоизни ташкил этди.

Қурилиш-пудрат ишлари ҳам ошириб бажарилди. 473,6 миллиард сўмлик бунёдкорлик ишлари амалга оширилиб, 2022 йилнинг шу даврига нисбатан 104,5 фоизни ташкил этди. Шунингдек, бозор хизматлари ҳажми 486,4 миллиард, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ҳажми 1592,9 миллиард сўмга ошириб бажарилди. Туман бўйича ўтган йил давомида чакана савдо товар айланмаси 856,3 миллиард сўмга етказилди. Бу ўтган даврга нисбатан 107,9 фоизга тенгдир.

**Анвар САИДОВ,**
**туман статистика бўлими бошлиғи.**

# БАХШИДА БА СОЛГАРДИ ЗОДРЎЗИ МИР АЛИШЕР НАВОӢ

## ТИМСОЛИ ДЎСТИИ БЕНАЗИР

***Дўстӣ ва ҳамкории пурфайзи адабӣ ва илмии ду адиб ва мутафаккири бузурги асри XV Абдураҳмони Ҷомӣ ва Алишери Навоӣ аз саҳифаҳои бошукўҳи қаробати халқҳои тоҷику ўзбек ба шумор меравад. Таъсири пурҷилои ҳамин дўстии беназири онҳо буд, ки ёдгориҳои мўҳташами фарҳангу ҳунар, осори безаволи илму адаб офарида шуданд ва як зумра одамони соҳибқареҳа, шахсиятҳои номдор зуҳур карданд.***



Ҷомӣ ва Навоӣ дар таълифоти худ низ ба ин дўстии бузург ишораҳо карда, нисбат ба якдигар бо як ҷаҳон меҳру самимият сухан рондаанд. Бештари асарҳои худро ба ҳамдигар бахшидаанд. Навоӣ пас аз вафоти Ҷомӣ ба хотири ҳамин дўстӣ асареро бо унвони "Хамсат-ул-мутаҳаййирин" навиштааст, ки муҳимтарин лаҳзаҳои дўстӣ ва ҳамкории эҷодии онҳоро баён мекунад. Ин асар солҳои 1494-1495 ба забони ўзбекӣ навишта шудааст ва соли 1989 бо тарҷума, тавзеҳ ва пешгуфтори Абдуқодир Матниёзов ба забони тоҷикӣ рўйи чопро дидааст.

Чунон ки аз гуфтаҳои Навоӣ дар ин асар маълум мешавад, нахустин мулоқоти ў бо Абдураҳмони Ҷомӣ тахминан дар 17 ё 18-солагиаш дар маҳаллаи хиёбони Ҳирот ба вуқўъ пайвастааст. Муносабати устодию шогирдии онҳо бошад, аз сабақи "Рисолаи қофия" оғоз мегардад. Аз ҳамин вақт сар карда, то охири умри Ҷомӣ, яъне беш аз 35 сол дўстию ҳамкории онҳо давом дошт. Ҳар ду доир ба масъалаҳои эҷоди бадеӣ як хел фикр мекарданд, дар офаридани асарҳо як хел мақсаду мером доштанд.

"Хамсат-ул-мутаҳаййирин" асари хотиротӣ буда, аз муқаддима, се мақола ва хотима иборат аст. Он лаҳзаҳои ҳаёт ва фаъолияти адабию илмии Ҷомиро дарбар мегирад. Ҳамчунин аз он дар бораи ҳаёт ва эҷодиёти худи Навоӣ ҳам маълумоти пурбаҳо ба даст овардан мумкин аст.

Аз ҷумла, ў дар соҳаҳои гуногуни илм пешқадами замон будани Ҷомиро таъкид карда мегўяд, ки бо вуҷуди ин худро ниҳоят фурўтан ва хоксор медошт. Касоне, ки овозаи камолоти он касеро шунида, аз роҳҳои дур барои сўҳбаташон меомаданд, дар байни ҳамсўҳбатон аз ғояти ноаёнӣ эшонро мутлақо шинохта наметавонистанд. Зеро дар нишастухез, гуфту шунид, хўроку пўшок миёни он кас ва мулозимон фарқе набуд. Аммо вақте ки аз илмҳои зоҳирию маънавӣ масъалае ба миён гузошта мешуд, Ҷомӣ будани кадоме онҳо маълум мешуд, зеро маҳорат ва огоҳиашон ба ҳамаи илмҳо то дараҷае буд, ки ҳаргиз эҳтиёҷ ба дидани китобе надоштанд. Қисмати мукотибаи байни онҳо низ хеле ҷолиб мебошад. Аз ҷумла, боре дар ҳузури он кас аз қасидаи "Дарёи аброр" ном бурда мешавад. Амир Хусрав дар бораи ин қасидаи худ гуфтааст: "Агар аз ҳаводиси афлок ва аз офатҳои рўзгор тамоми назми ман аз саҳифаи замона маҳв шаваду ҳамин қасидаам боқӣ монад, бароям бас аст. Чунки ҳар кас агар онро бихонад, хоҳад донист, ки дар мулки назм тасарруф ва иқтидори ман дар чӣ мартабае будааст". Пас аз ин сўҳбат рўзе Навоӣ азми Марв намуда аввал ба ҳузури Ҷомӣ меояд. Он кас пас аз дуои нек аз бағал ҷузве бароварда нишон медиҳад, ки он дар ҷавоби Амир Хусрав қасидаи "Луҷҷат-ул-асрор" будааст. Навоӣ дар роҳ онро хонда, дар ҷавоб қасидаи "Тўҳфат-ул-афкор"-ро мегўяд, ки чунин оғоз меёбад:

**Оташин лаъле, ки тоҷи хусравонро зевар аст,**
**Ахгаре баҳра хаёли хом пухтан дар сар аст.**

Навоӣ дар бораи хориқи одат ва ҳолатҳои покизаи Ҷомӣ нақл карда, мегўяд, ки ў хислатҳои наҷиби худро ба тариқи маломатия пинҳон медошт. Аммо баъзе ҳолатҳои ғариб бисёр рўй додаанд, ки худ Навоӣ бевосита шоҳиди он гардида, зикри онҳоро дар асар лозим донистааст. Аз ҷумла нақл мекунад, ки Ироқӣ ном ҷавоне сардори дарборони Музаффари барлос буд. Рўзе аз роҳи нодонӣ ў шеърҳои Ҷомиро инкор карда, варақҳои девони он касро як-як канда ба оташ партофта месўзонад. Дар давоми се-чор рўзи баъди ин воқеъа ба як узви баданаш сўхтанӣ баромада, ҷароҳаташ обият пайдо мекунад. Оқибат ў бо ҳамин беморӣ мемирад.

Ё худ, воқеаи дигаре низ далели хориқи одат будани Ҷомиро нишон медиҳад. Дар байни толибилмон Нотиқи ном ҷавоне будааст, ки бо бадӣ ном баровардa, ҳатто ўро зодаи деву шайтон мегуфтаанд. Як рўз толибилмон дар боғе сўҳбат мекарданд, дар таърифи Ҷомӣ суханҳои муболиғаомез мегўянд. Нотиқӣ бошад, аз рўи инкор дар бораи он кас суханҳои бемаънӣ ба забон меорад. Дарҳол девони он касро кушода, диданӣ мешаванд, ки ба Нотиқӣ шояд ҷавоби муносиби ёбанд. Баробари кушодани девон ба ҷунин байт дучор меоянд:

**Пур аст гўшаи ман аз сабҳои малак чу Масеҳ,**
**Куҷо мушавваши хотир шавад наҳиқи ҳарам.**

Наҳиқ дар луғат овози ҷонвари борkаш аст. Бисёр лавҳаҳои асар, хусусан қисмати мукотибаи он хеле таъсирбахш буда, монанди як суруди дилнишини дўстӣ садо медиҳад. Марсияи Навоӣ ба вафоти Ҷомӣ, ки дар охири асар оварда шудааст, ба қавли устод Айнӣ, яке аз ҷонсўзтарин марсияҳои адабиётамон ба шумор меравад. Инак, порае аз он:

**Ту бирафтию дили халқи ҷаҳон зор бимонд,**
**То қиёмат ба фироқи ту гирифтор бимонд.**
**З-оташи оҳи дили сўхтагон то ба абад,**
**Дудҳо дар хами ин гунбади даввор бимонд.**

Аз ин асар бармеояд, ки дўстии онҳо на танҳо рамзи дўстии ҷовидонии ду халқи бо ҳам бародари тоҷику ўзбек, балки ҳамаи халқҳост. Ин дўстӣ мероси ниёгон буда, вазифаи муқаддаси мо онро мисли гавҳараки чашм нигоҳ доштан ва ба дороии он афзудан аст.

**Фозил ШУКУРЗОДА,**
**доктори илмҳои фалсафа, ойид ба адабиёт, устоди Донишгоҳи давлатии шаҳри Самарқанд.**

# БОНУВОНИ СУХАНГЎ

## ДАМҲОИ РАНГИНКАМОНИ ШАҲОДАТ

***Шаҳодат фарзанди шашуми хонадони амаки Абдураҳим ва холаи Шарофат аст. Дар он рўзи тирамоҳон кошонаи омўзгори варзида ва иштирокчии Ҷанги дуюми ҷаҳонӣ Абдураҳим Раҳимов, ки воқеъ дар деҳаи Дарбанди ноҳияи Бойсун аст, аз қадами ин меҳмони нав аз нишот пур гашта буд.***

Шаҳодат минбаъд машъалаи нурафшоне гашт, ки аз партаваш зиндагии тоҷикони воҳаи Сурхон зиёи нав ёфт. Ёд дорам, ки ин ном ҳанўз 35 сол муқаддам сарҳарфи маҳфилҳои аҳли дил гашта буд. Мардум аввал садои дилнишини ўро аз радио шуниданд ва баъд симои далеронаашро аз оинаи нилгуни вилоят дидаву аз шуҷоати ин бону ба ваҷд омада, гоҳ ашки шодӣ резанд, гоҳе дуо мекарданду шукрона мегуфтанд. Вай тавониста буд, ки дар ҳаёти тоҷикони воҳа табаддулоти азими фикрию равонӣ ворид кунад. Вай кореро ба сомон расонид, ки аз дасти чандин мардони ҳузарб наомадааст. Ў тавонист, ки аввалин ҳарфи тоҷикиро аз радио вилоят ба гўши соҳибзабонон расонад.

—Шаҳодат Раҳимова ҳарчанд чандин сол пеш ба далели расидан ба синни нафақа аз саҳнаҳои телевизион рафт, аммо барномаҳои таҳиянамудаи ў аз ҳаёти мардуми заҳматкаш, чеҳраҳои намоёни намояндагони ин миллат ҳанўз дар ёдҳои аҳли назар боқӣ мондааст. Симои гармаш ва гуфтори хубу маҷзубашро бошандагони Сурхонзамин дар хотир доранд, — бо ифтихор мегўяд Сурайё Норманова, ки ҳоло масъули ин барномаҳо мебошад, — пайкори ин бонуи нотарс илҳомбахши ҷавонони давр гашта буд.

Азбаски дар оилаи омўзгор ба воя расидааст, ба китобу дафтар меҳри алоҳидае дошт. Аз фаъолтарин духтарони мактаб.

—Мақолаву хабарҳо менавиштам, — аз он айёми дуру беғубор ёд оварда мегўяд апаи Шаҳодат. — Аммо падарам мехост, ки ман духтур шавам, аҳли оила ба як пой рост истода, ўро аз раъяш гардонданд ва ба мани шайдои сухан ва илму адабиёти порсӣ роҳро ҳамвор сохтанд.

Шаҳодат соли 1982 ба гурўҳи рўзноманигории факултаи филологияи Донишгоҳи давлатии Тоҷикистон дохил гардид. Соли 1985 таҳсилро дар факултаи рўзноманигории Донишгоҳи давлатии ба номи Ждановӣ Санкт-Петербург идома дод. Ин даргоҳи илмро бо ихтисоси журналисти радиотелевизион хатм намуд. Вай дар байни тоҷикони вилоят аввалин бонуе махсуб меёфт, ки бо ин тахассус дипломе ба даст оварда буд. Раиси кумитаи радиои Сурхондарё Озод Авлиёқулов зуд ба Тошканд мактубе навишта, ба бахши тоҷикии радио расман иҷозат гирифт, то ки Шаҳодат бо кор таъмин гардад. Ў он рўзи таърихиро бо ҳаяҷон ба ёд меоварад:

—1-уми сентябри соли 1988 буд. Аввалин садои тоҷикӣ аз ин бунгоҳи таблиғу ташвиқи ҳукумати вақт ба самъи шунавандагон расид. Он рўз ман хушбахттарин фарзанди тоҷик будам. Ҳудуди панҷ дақиқа ахбори рўзро шунавонидам!

"Ахбор"-ро худи Шаҳодат бо лаҳни ширини тоҷикӣ ба гўшҳои ҳанўз одатнокардаи мардуми минтақа расонд. Радио он замонаҳо дар хонадони ҳар нафар вуҷуд дошт. Барномаҳоро бо камоли завқ дар мошинҳо низ мешуниданд. Ҳумойиддин Шарофиддинов, ки он замон чун раиси Иттифоқи касабаи вилояти Сурхондарё — аз нахустин шунавандагони "Ахбор"-и тоҷикии радиои вилоят аз он лаҳзаҳои таърихӣ ёде овардаву гуфт:

—Бо сафари хидматие ба ноҳияи Деҳнав раҳсипор будам ва дар дохили мошин ин барномаро шунида, ба ронанда амр кардам, ки мошинро боздорад. Бо гўшҳоям шунида, бовар намекардам — радио тоҷикӣ "ҳарф мезад"! Панҷ дақиқа ахборро ба забони модариам шунида, аз шавқу ҳаяҷон ба зонуи ронанда якто зада гуфтам, ки мошинро баргардонад — ба Тирмиз бармегардем.

Шарофиддинов ба назди раиси кумитаи радиои вилоят Авлиёқулов даромада, ҷўёи он журналисти тоҷик мешавад. Ин марди ғаюр аввалин раҳбари тоҷикие буд, ки Шаҳодатро самимона табрик карда, барояш тавфиқ хостааст. Ин иқдоми ў ба бонуи суханвар боли парвоз бахшид. Журналисти ҷавону навкор рўҳан сабзидаву минбаъд босамар кор карда, вақти барномаҳои тоҷикиро аз панҷ ба сӣ дақиқа расонид, ки ҳафтае сечор маротиба садо медод. Он айём барномаҳои махсусе бо номи "Бонувон", "Ҳаёти деҳот", "Дабистон", "Симои ҳунар", "Тандурустӣ", "Шабоб", "Кишоварз" ва "Ахбор" таҳия мешуд, ки муаллифи онҳо Шаҳодат буд. Моҳи июни соли 1999 аввалин барномаи тоҷикии телевизиони Сурхондарё бо номи "Чашмасор" ба намоиш гузошта шуд ва ин падида дар ҳаёти фарҳангии тоҷикони вилоят чун як воқеаи таърихие сабт гаштааст. "Чашмасор" ҳафтае як бор дар ҳаҷми 30 дақиқа ба эфир мерафт. Шаҳодат бахши тоҷикии радиоро ба зиммаи журналистони ҷавон, ба монанди Олим Панҷизода, Сурайё Норманова, Искандари Мирзо вогузошта, худ дар пайи обод сохтани "Чашмасор"-аш шуд. Барномаи тоҷикии телевизионро то соли 2004 аз ҳаёти тоҷикони воҳа муттасил таҳия намудаву барои шиносонидани чеҳраҳои фарҳангӣ, тарғибу ташвиқи ҳунарҳои миллӣ, вижагиҳои урфу одати мардуми деҳоти тоҷикнишин саҳми босазое гузошт. Баъдан тўли чанд сол ба тарбияи фарзандон машғул шуд. Соли 2011 дар бахши реклом ва эълони Ширкати садову симо ба фаъолияти корӣ идома дод. Баъдтар "Чашмасор"-ро, ки фарзандонаш хеле дўст медошт, ба сабабҳои номаълум бастанд.

—Маро дар зиндагӣ се воқеа сахт ба андўҳ гирифтор сохт. Марги фоҷиавии бародари 39-солаам Шодӣ, ки намунаи ҷасорат ва сарбаландӣ дар зиндагиам буд, аз дунё гузаштани тифли нокомам Фирдавс ва боздошта шудани фаъолияти "Чашмасор", ки мисли як фарзандам дўсташ медоштам! Ҳанўз дар азои ҳамин се азизи худ хомўш мегирям, — мегўяд Шаҳодат ва ноаён ба чашмон об мегирад.

Ў кунун журналисти нафақахўр аст ва аз он дамҳои рангинкамонӣ ёд оварда, вуҷудаш аз ифтихор пур мегардад.

Шаҳодат ба ҷуз чанд ташаккурнома ҷоизаи дигаре надорад. Мегўяд, ки беҳтарин мукофот барояш эҳтиром ва боварии ҳаммиллатон буд, ки сазовор шудааст.

**Шариф ХАЛИЛ.**

# СИЗ МИЛЛАТ РАМЗИСИЗ, МИЛЛАТ ФАХРИСИЗ, СИЗДЕК ШАМСУЛ-МИЛЛАТ, ЗЕБИ ЖАҲОН ЙЎҚ

*Ҳар ўқи ул қоши ёнинг элниким қурбон қилур,*
*Рост бир ўқдурки, қурбон кўнглим ичра санчилур.*

*Истаса васлин кўнгул, кўз рашкдин қон ёш тўкар,*
*Кўз юзун кўргач, кўнгул юз нола ғайратдир қилур.*

*Тийғи кўксум чок этиб, кўнглимни очса, не ажаб,*
*Ким равон сувдин ҳамиша халқ кўнгли очилур.*

*Гарм ўлуб, ҳар ён ул оташ пораким новак отар,*
*Рост ўтдекдирки, гирдидин шарарлар айрилур.*

*Юзни ўн тирноғ илаким ғуссадин қилдим фигор,*
*Дона эркин кўз ёшимким, ҳар дам анда сочилур.*

*Бода ичким, чарх жони сиррини Жам қилмади,*
*Гарчи ул юз Жам киби майхоранинг даврин билур.*

*Оҳ ўтидин шиква гар айлар Навоий, айб эмас,*
*Телбаларнинг ҳар неким оғзига келса айтилур.*

*Ул малаксиймо париким, халқ анинг ҳайронидур,*
*Жонлар ошуби, вале ошуфта жонлар жонидур.*

*Тифл авроқ ичра бир-бир барги гул терган киби,*
*Номайи ҳижрон аро тим-тим сиришким қонидур.*

*Кўрса жон захмида қонлиғ марҳамин айлар гумон,*
*Ким бузулғон кўнглум ўтидин қизил пайконидур.*

*Юзунгга май гуллари юз фитна қилди, гўйиё,*
*Фитна ҳар гулким очар, юзунг анинг бўстонидур.*

*Бормудир кўнглумда кесган ҳам алиф, ҳам лаълу доғ,*
*Ё бу миръот ичра солғон акси ҳуснунг онидур?*

*Даҳр торожи қилур урён чаман раъноларин,*
*Елдин ул чекмас йиғочларким чаман афғонидир.*

*Эй Навоий, билки, тонг отқунча йиғлар ҳар кеча,*
*Чархдек ҳар кимки бир бадмеҳр саргардонидур.*

*Ҳажр ароким, ўзни май бирла фасона айларам,*
*Йиғламоққа бода ичмакни баҳона айларам.*

*Лаългун ҳар майки ичтим ул майи лаб ҳажридин,*
*Кўздин ашки лаългун янглиғ равона айларам.*

*То ичармен май қадаҳдек йиғларам беҳуд бўлуб,*
*Топмасам бир дам фиғоне беҳудона айларам.*

*Завраќи май бўлмаса, билким, ўлармен эй рафиқ,*
*Ғусса баҳридин анинг бирла гарона айларам.*

*То тўла қуйсун дебон соқий менга етгач қадаҳ,*
*Ташқи таври хаттиини онинг нишона айларам.*

*Соқиё, тут бодаким, кўпрак мени мабҳут этар,*
*Нечаким андишаи бу корхона айларам.*

*Не осиғ чун ёр кўнгли айламас бу ён кашиш,*
*Эй Навоий, нечаким дилкаш тарона айларам.*

*Кўргали ҳуснунгни зору мубтало бўлдум санга,*
*Не балолиғ кун эдиким, ошно бўлдум санга.*

*Ҳар неча дедимки, кун-кундин узай сендин кўнгил,*
*Ваҳки, кун-кундин батаррак мубтало бўлдум санга.*

*Мен қачон дедим, вафо қилғил манга, зулм айладинг,*
*Сен қачон дединг, фидо бўлғил манго, бўлдим санга.*

*Қай парипайкарға, дерсен телба бўлдунг бу сифат,*
*Эй пари пайкар, не қилсанг қил, манго, бўлдум санга.*

*Эй кўнгул, тарки насиҳат айладим овора бўл,*
*Юз бало етмаски, мен ҳам бир бало бўлдум санга.*

*Жоми Жам бирла Хизр суйи насибимдир мудом,*
*Соқиё, то тарки жоҳ айлаб гадо бўлдум санга.*

*Ғусса чангидин навое топмадим ушшоқ аро,*
*То Навоийдек асиру бенаво бўлдим санга.*



*Келтурса юз балони ўшал бевафо манга,*
*Келсун агар юзумни эвурсам, бало манга.*

*Нетгайман ул рафиқ билаким, қилур басе,*
*Меҳру вафо рақибға, жабру жафо манга.*

*Бегона бўлса ақл мени телбадин, не тонг,*
*Чун бўлди ул парисифатим ошно манга.*

*Оҳ-у ёшимдин ортадурур заъф, эй табиб,*
*Билдим ярашмас эмди бу об-у ҳаво манга.*

*Дардим кўруб муолажада зое этма умр,*
*Ким, жонда дарди ишқ дурур бедаво манга.*

*То ёр кимни истару кўнглига ким ёқар,*
*Ташвиш бежиҳат дурур охир санго, манга.*

*Бобур, бўлуб турур икки кўзум йўлида тўрт,*
*Келса не бўлди қошима бир-бир манго манга.*

*Ўзни, кўнгул, айш билан тутмоқ керак,*
*Бизни унутқонни унутмоқ керак.*

*Айш-у тараб гулбунига сув бериб,*
*Ғусса ниҳолини қурутмоқ керак.*

*Тийра турур зуҳд дамидин кўнгул,*
*Ишқ ўти бирла ёрутмоқ керак.*

*Ҳар нимаға ғам ема, ғам кўп турур,*
*Айш била ўзни овутмоқ керак.*

*Қўйма машаққат аро, Бобур, кўнгул,*
*Ўзни фароғат била тутмоқ керак.*

## БОБУР ИЖОДИДА НАВОИЙ ТАСВИРИ

***Заҳириддин Муҳаммад Бобур ўзининг мемуар асари “Бобурнома”да буюк мутафаккир Алишер Навоий ҳақида қимматли маълумотлар келтиради. У улуғ шоирнинг Султон Ҳусайн Бойқаро салтанатидаги сиёсий-ижтимоий мавқеи ҳамда Хуросон адабий муҳитидаги ўрни ва таъсирига юксак баҳо беради. Аслида, бу икки буюк шахс ўзаро учрашишмаган бўлишса-да, ғойибона тарзда бир-бирларини танишган.***



Бобур Мирзо 1500 йил 14 кунлик қаттиқ қурашлардан сўнг бобомерос Самарқанд тахтини қўлга киритади. У “Бобурнома”да муҳим сиёсий воқеаларни тасвирлар экан, Алишер Навоийнинг унга бўлган хайрихоҳлигини фахр билан хотирлайди: “Бу иккинчи навбат Самарқандни олғонда Алишербек тирик эди. Бир навбат менга китобати ҳам келиб эди? Мен ҳам бир китобат йибориб эдим, орқасида туркий байт айтиб, битиб йибориб эдим? Жавоб келгунча тафриқа ва ғавғо бўлди”.

Дарҳақиқат, Алишер Навоий темурийлар сулоласидан истеъдодли шоир ва моҳир саркарда етишиб чиқаётганини сезади, унинг ёрқин келажагини қайғайди, уни зафари билан кутлайди. “Бобурнома”ни ўқиш жараёнида биз Бобурда ҳам Навоий ижодига бўлган қизиқиш ва шахсиятига нисбатан хурматни англаймиз. Бобур Султон Ҳусайн ва Навоий муносабатларига тўхталар экан: “Алишербек Навоий... беги эмас, балки мусоҳиби эди...” дея маълумот бериб, “...кичикликдин ҳамсабақ экандурлар. Хусусият бисёр экандур” дея унсияти сабабларини изоҳлайди. Муаллиф Алишер Навоийнинг Самарқандда яшаган даври, адабий ва сиёсий доираларнинг унга муносабати, хусусан, Самарқанд ҳокими “Вафоий” тахаллуси билан ижод этган Аҳмад Ҳожибекнинг шоирга оталарча ғамхўрлик қилганлигини таъкидлайди.

Бобур Мирзо Алишер Навоий шахсияти ва ижодий фаолиятига холис баҳо беради, ўзининг ҳаққоний хулосасини ифодалайди, туркий назмнинг султони эканлигини эътироф этади. “Алишербек назири йўқ киши эрди. Туркий тил била то шеър айтибдур, ҳеч ким онча кўп ва хўп айтқон эмас.” Шундан сўнг Бобур Навоийнинг ёзган асарлари хусусида тўхталар экан адабиётшунос мутахассис сифатида ўзининг холис андишаларини баён этади. Форсийда Фоний тахаллуси билан ижод этиб девонлар тузгани, мусиқа соҳасида ҳам ўзининг маҳоратини намоён этиб куйлар басталаганлиги тўғрисида маълумот беради. Бобур Мирзо ҳеч ким Мир Алишер Навоийчалик ёш авлод ҳамда илму ҳунар аҳлига ғамхўрлик қилмаганини таъкидлайди: “Аҳли фазл ва аҳли ҳунарга Алишербекча мураббий ва муқаввий маълум эмаским, ҳаргиз пайдо бўлмиш бўлғай”.

Дарҳақиқат, тарихий манбаларнинг гувоҳлик беришича, ўша пайтдаги Мовароуннаҳру Хуросону Эрон ҳудудларидан юзлаб истеъдод соҳиблари Ҳиротга келиб, улуғ шоир ғамхўрлиги остида камолотга эришганлар. Бунга мисол тарзида Бобурнинг қуйидаги эътирофини келтириш мумкин: “Устод Қулмуҳаммад ва Шайх Нойи ва Ҳусайн Удийким, созда сароmad эрдилар, бек (Навоий)нинг тарбият ва тақвияти била мунча тараққий ва шуҳрат қилдилар. Устод Беҳзод ва Шоҳ Музаффар тасвирда бек (Навоий)нинг сайъ ва эҳтимоми била мундоқ машҳур ва маъруф бўлдилар”.

Мирзо Бобур Навоийнинг элу халқ фаровонлиги, мамлакат маъмурлиги, таълим-тарбия бобидаги хайрли ишлари саноқли кишиларгагина насиб этиши мумкинлигига урғу беради: “Мунча бинойи хайрким, ул қилди, кам киши мундоққа мушарраф бўлмиш бўлғай”.

Навоий бовужуд шоирлик ва арбоблик замонасининг бой кишиси сифатида маблағларининг асосий қисмини хайрия ишлари, фаровонлик ва ободончилик ишларига йўналтиришга интилган. Баъзан оғир дамларда вилоят аҳлининг солиқларини ҳам ўз ҳисобидан тўлаб юборган. Ҳатто давлатдаги муҳим вазифаларда ишласа-да, хукумат хазинасидан маош олмаган: “Мирзодин нима олмас, балки йилда мирзо (Ҳусайн Бойқаро)ға кулли маблағлар пешкаш қилур эди”.

Бобур “Бобурнома”да Ҳусайн Бойқаро салтанатидаги судур (садрлар) ҳақида маълумот берар экан, Алишер Навоийнинг тасаввуф аҳлининг бошини қовуштириб, уларга эътибор қаратиб, уларнинг фаолиятига шароит яратиб берганлиги, чунончи, улар учун “Халосия” хонақоҳини қурдиргани тўғрисида сўз юритади: “Алишербек қошида мундоқ мутасаввифлар йиғилиб важд ва самоъ (изоҳ) қилурлар экандур”.

Навоий салтанат ишларида халқ манфаатларига, давлат хавфсизлигига путур етказувчи ҳаракатлар мансабдорлар томонидан содир бўлган тақдирда адлу инсоф ҳомийси сифатида бу масалани ижобий ҳал этиш тарафдори бўлган. Чунончи, “Бобурнома”даги Ҳусайн Бойқаро вазирлари зикрида Мажидиддин ҳамда Низомулмулк каби вазирларнинг халқ манфаатларидан ўз манфаатини устун қўйганлиги сабабли Амир Алишер бошлиқ ҳақиқатпарвар кишилар таъсирида ҳокимиятдан четлатилганини айтади.

“Султон Ҳусайн Мирзонинг замони ажаб замоне эрди, аҳли фазл ва беназир элдин Хуросон, бетахсис Ҳирий шаҳри мамлу эрди” дейилади “Бобурнома”да. Албатта, бунда Навоийнинг хизматлари беқиёс бўлган. Хайрли амалларни бажариш шараф ҳисобланган. “Ҳар кишинингким, бир ишга машғуллуғи бор эрди, ҳиммати ва ғарази ул эдиким, ул ишни камолга тегургай”.

Шоир мавлоно Биноий хусусида ёзар экан Бобур Навоийнинг унга муносабати дўстона ва самимий бўлганлиги, шахсий адоватдан кўра ижодий рақобатдош эканлигини таъкидлайди. Ҳатто Навоийнинг маслаҳати билан Биноий қисқа муддатда мусиқа илмини ўрганиб, куйлар ҳам басталайди. Бу ҳолатнинг гувоҳи бўлган Амир Алишер ҳайратланади, уни олқишлайди. Навоийнинг янгиликка интилувчанлиги новаторлик фазилати, ихтиролари ҳақида ҳам илиқ фикрлар ўқиймиз: “Алишербекки қалин (кўп) нималар ихтиро қилиб эрди ва яхши нималар ихтиро қилиб эрди, ҳар кишиким, ҳар ишта бир нима пайдо қилди, ул ниманинг ривожи ва равнақи учун “Алишерий” дер эди”.

Бобур Мирзо 1506 йилда Ҳиротда Бадиуззамон мирзо ҳузурида бўлади. Бадиуззамон мирзо Бобурга Ҳиротда қолиб, қишни шу ерда ўтказишни таклиф қилади ва энг муносиб манзил сифатида улуғ шоирнинг ҳовлиларидан жой беришади: “...Алишербекнинг уйларини таъйин қилдилар. Ҳирийдан чиққунча Алишербекнинг уйларида эрдим”. Бобур йигирма кундан ортиқ вақт давомида Ҳирот ва унинг атрофидаги ажойиботлар, сайр қилса арзигулик сўлим гўшаларини томоша қилади. Таҳсинга сазовор манзиллар қаторида “Алишербекнинг боғчаси”, Тахти Навоийни тилга олади. Шунингдек, Алишер Навоий қурдирган олий иморатлар ва уларнинг номларини эслатиб ўтади: “Алишербекнинг ўлтурур уйлариким, “Унсия” дерлар, мақбара ва масжиди жомеъиниким, “Қудсия” дерлар, мадрасаси ва хонақоҳиниким, “Халосия” ва “Ихлосия” дерлар, ҳаммом ва дорушшифосиниким “Сафоия” ва “Шифоия” дерлар, борини андак фурсатда сайр қилдим”.

1497 йилда Султон Ҳусайн мирзо ва ўғли Бадиуззамон мирзонинг муносабатлари бузилади, ўзаро урушлар бўлади. Жуда кўп обрўли инсонлар орага кириб, ота ва ўғилни яраштиришга ҳаракат қилишади, лекин ижобий натижа бўлмайди. Натижада Алишер Навоий элчиликка боради ҳамда муаммо ижобий ҳал этилади. Мазкур воқеа ҳақида “Бобурнома”да маълумот келтирилади.

Хуллас, Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг “Бобурнома” асарининг мутолааси орқали китобхон нафақат Бобур ижоди, балки Алишер Навоий ва унинг замондошларию ҳаммаслаклари ҳақида ҳам қимматли тарихий маълумотлардан хабардор бўлади.

**Нормуҳаммад ЖЎРАЕВ,**
**55-умумий ўрта таълим мактабининг она тили ва адабиёти фани ўқитувчиси.**

## АЛИШЕР НАВОИЙ ҲИРОТ ВА ХУРОСОННИНГ БУЮК МЕЪМОРИ

***Алишер Навоий Ҳиротда вазир бўлган йилларида бутун кучини мансаб ва шон-шавкат учун эмас, балки эл-юрт учун хизмат қилишга, одамларнинг ҳар қандай ишини халқ фаровонлигига йўналтиришга, бунёдкорлик ва маърифатга қаратди.***

Навоий “Фуқаро ва дарвешларнинг фаровонлиги ғариб ҳамда мусофирларнинг фароқати учун” кўплаб жамоат бинолари ва иншоотлари: хонақоҳ, масжид, мадраса, карвонсарой, ҳаммом, работ, ҳовуз ва кўприклар қурдирган. Тарихчи Хондамиир Навоий қурган баъзи иморатларнинг аниқ тафсилотларини келтиради. Улар орасида 52 та работ, 18 та масжид, 3 та мадраса, 16 та кўприк, 19 та ҳовуз, 9 та ҳаммом ва бошқа бир қанча иморатлар ва ишоотлар бўлган.

Навоий Инжил канали бўйида ҳашаматли “Ихлосия” мадрасаси ва унинг қаршисида эса ғоят гўзал ва кўркам “Халосия” хонақосини солдиради. Навоий бунёд этган ушбу меъморий мажмуа ташкил этилишига кўра, Ўрта Осиё шаҳарсозлик назариясида “қўш услуб” номи билан машҳур. Самарқанддаги Регистон майдонида оламга машҳур Улуғбек ва Шердор мадрасалари ҳам “қўш услуб”идаги ансамбл кўринишида бунёд этилганлиги ҳаммамизга маълум.

Биноларни қўш услубдаги мажмуа тарзида бунёд этишдан асосий мақсад бинолар орасидаги гавжум майдон ёки кўчада кун давомида соя-салқин ташкил этишдир. Бу услуб ёрдамида Инжил канали бўйида ташкил этилган муҳташам меъморий муҳитда ҳам хушнаво мўъжаз иқлим яратилганки, бу шаҳарсозлик бобида эътиборга лойиқдир.

Навоий Ҳиротда қурдирган биноларида ҳозирги меъморчилигимизда биз янгилик деб ишлатадиган анжуманликка-мажмуаликка эришишга ҳаракат қилган ва бунга эришган ҳам. Қуришга ажратилган Инжил канали бўйидаги майдонга Навоий ўз даврининг етук меъморлари билан маслаҳатлашиб, қурилажак иморатлар ва ташкил этилажак хайрли хизматлар турини мумкин қадар анжуманлаштирган. Бу ердаги иморатлар орасида уй-жойлардан ташқари, мадраса, хонақоҳ, шифохона, ҳаммом, ҳовузлар, савдо расталари, дам олиш хиёбонлари, боғ-роғлар мужассам бўлган.

Навоий қурдирган иморатлар ўзининг кўркамлиги, хушҳаволиги, зебу зийнати, маҳобати билан бошқа иморатлардан ажралиб турган. Ҳиротдаги бойона уйларни безашда Навоий меъморларга рангли деразалардан фойдаланишни таклиф қилади. Алишер Навоий қурган бинолар услуби ва архитектураси шоир замондошлари қўлёзмаларида, Навоийнинг ўз асарларида битилган минатюраларда тўлиқ бўлмаса-да, жозибадор тасвирланган. Шоирнинг “Хамса”сига ишланган минатюраларда боғлар, боғ кўшклари, ҳаммом, ҳовузлар, фавворалар тасвирини учратамиз. Минатюралардан бирида Навоий даврининг ҳаммомлари ғоят ҳашамдор қилиб безатилганлигини, уларда қадимий Шарқнинг фаришта қушлари — анқонинг тасвири ифодаланганлигининг шоҳиди бўламиз. Ювиниш залининг поли мармар, тахталар изораси эса одам бўйи баландлигида ҳошияли ложувард нақшлар билан безатилган. Деворнинг юқори қисмига содда нақшлар, пештоқига эса ўсимликсимон шакллар билан ҳашам берилган.

Бундан ташқари, Навоий Машҳадда шаҳар хиёбонига катта ариқ ётқизиб, уни обод этади ва ўзи эътиқод қўйган имом Ризо (X аср) мақбарасининг жанубий қисмига ғоят бир гўзал айвон бунёд эттириб, ул жойни Қуръон ўқишга мослаб “Доруш-ҳуффоз” ташкил қилади. Шуниси эътиборга лойиққи, Навоий қурдирган айвоннинг нақшин устунлари бўлиб, улардан бирига ўзининг эмас, балки дўсти ва ҳамкори Ҳусайн Бойқаро номини нақшлатган.

Алишер Навоийнинг бунёдкорлик фаолияти унинг чуқур дунёқарашидан келиб чиқиб, одамийликка, халқпарварликка, эзгуликка йўғрилган. Навоий ўз замондошларини, ҳатто асарларидаги қаҳрамонларини ҳам бунёдкорликка ундайди:

*Ким қилса иморатки, мақдур ўлғай,*
*Чун исми китобида мастур ўлғай.*
*Не чоққача ул биноки маъмур ўлғай,*
*Ул исм улус тилига мазкур ўлғай.*

Навоий халқпарварлигининг моҳияти унинг шеъриятидагина бўлиб қолмай, балки унинг маъмурчилик ва меъморчилик ишларида ҳам намоён бўлди.

Алишер Навоий замонасида Ҳирот аҳолиси 2 миллиондан ортиқ бўлиб, у энг йирик, бой ва маданий шаҳарлардан бирига айланади. Ўша даврда Ҳирот ва Хуросон мамлакатининг бошқа вилоятларида 12 мингдан ортиқ турли хил бино ва иншоотлар қурдирди. Натижада Алишер Навоий ва султони Ҳусайн Бойқаро замонасида Ҳирот маънавият, санъат ва илм-фан тараққиётида темурийлар фахри бўлган Самарқанддан ҳам ўтиб кетади.

Хуросоннинг турли ҳудудларида Алишер Навоий томонидан бунёд этилган муҳандислик ва ирригация иншоотлари Навоийнинг гуманизмини белгилаб берувчи бунёдкорлик амалиётидир. Навоий ушбу иншоотларсиз халқ дардига “наво” бўла олмасликни, уларсиз мамлакатни ривожлантириб бўлмасликни яхши тушунган. Бу иншоотлар мамлакат ободончилиги ва халқ фаровонлигига хизмат қилган. Айниқса, улуғ шоирнинг жангу жадаллар ва зилзилалар оқибатида вайрон бўлган, аввал қурилган кўпгина жамоат биноларини қайта тиклаш ва таъмирлашдек сермашаққат ишлари эътиборга моликдир. Навоийнинг меъморий обидалар таъмирига бошчилик қилган йирик тадбирларидан бири, Ҳиротдаги жомеъ масжидидир. Хондамирнинг “Хулосат ул-ахбор” асарида Ҳирот шаҳридаги ушбу масжид Ҳусайн Бойқаро даврида бўлиб ўтган зилзила натижасида бинонинг гумбази ва мақсураси шикастлангани ҳақида маълумот келтирилган. Обод жой вайронага айланган, баланд деворлар қийшайиб, аянчли аҳволга келган, ганч безаклари тўкилиб тушган эди. Ушбу масжиднинг Хондамир келтирган таърифида унинг меъморий ўлчамлари ҳақида ҳам маълумотлар берилган.

Навоий Ҳирот ва бошқа шаҳар-қишлоқларда 12 та масжидни қайта тузаттиради, жумладан, XIII асрда Ҳиротда бино қилинган юқорида тилга олинган жомеъ масжидини, 1404-1418 йилларда Машҳадда қурилган Гавҳаршоҳ масжидини, XI аср бошида Гургон яқинида ўрнатилган Қобус минораси, XI асрда Марв ва Ҳирот шаҳарлари оралиғида қурилган Арслонжозиба работи ва кўпгина бошқа иморату иншоотларни таъмир эттиради.

Алишер Навоий ўз ҳаёти давомида “минг бир” хайрли ишларни бажаришни ният қилган эди. Шулардан 366 таси бинолар ва таъмирлаш бўлиб, бу вазифани у шараф билан бажарди. Навоийнинг меъмор-муҳандислар билан мулоқотда бўлиши, баъзи меъморий масалаларда улар билан баробар фикр юритиши шоирнинг муҳандислик соҳасидаги истеъдодидан дарак беради. Бундан ташқари, Навоийнинг меъморлар санъатига бўлган шахсий қизиқиши ҳам жиддий аҳамиятга эга бўлган. Шу боисдан бўлса керак, Навоий кўп қурилишларнинг тарҳини ўзи тузар, айрим меъморларнинг хато ва камчиликларини кўрсатиб берар ва ўз фикрларини мунтазам кўп бурчаклар, айлана ва доиралар ҳақидаги қонуниятлардан далил келтириб исботлар эди.

Олим П.Зоҳидов Алишер Навоийнинг меъморчилик ва бунёдкорлик соҳасидаги мўътабар хизматларига юксак баҳо бериб: “...муболағасиз айтиш мумкинки, жаҳон тарихида ҳеч бир шоир Алишер Навоийчалик кўп бинолар қурган эмас, меъмор санъатини шунчалик завқ-шавқ билан улуғлаган эмас”, деган эди.

Навоийнинг қурдирган биноларига шоирона чиройли номлар қўйиш одати бўлган. Ихлосия, Халосия, Шифоия, Сафоия, Низомия, Хусравия ва Ганоия шулар жумласидандир. Бино номлари маънодор, “исми жисмига монанд”, шунингдек, заруриятга қараб абжад ҳисобида қурилиш йили тарихини ҳам ифодалаши мумкин бўлган. Масалан, Ихлосия мадрасасининг номи Навоийнинг дўсти Султон Ҳусайн Бойқарога бўлган шахсий ихлосини, миннатдорчилигини билдирса, Шифоия шифохонасининг номи соғлиқ, шифо, Сафоия ҳаммомининг номи эса озодалик, поклик маъносини англатган. Хусравия мадрасасининг номи бинонинг биринчи ғиштини қўйган марҳум шаҳзода Мирзо Муҳаммад номи ҳамда унинг қурилиш йилини ифодалаган.

**Раъно ЖУМАЕВА,**
**3-сонли умумий ўрта таълим мактаби ўқитувчиси.**

**ЁҚУБ НОРСАИДОВ**

## НАВОИЙЛАР, БОБУРЛАР

**Илму урфон вақти келди, илм ол ҳур замонда,**
**Ренессансга пойдевор қўй, зиё соч Туркистонда,**
**Қуёш бўлиб нур сочгин, Янги Ўзбекистонда,**
**Олға юрмоқ вақти келди, ҳар бир ишга қодирлар,**
**Эл орзиқиб кутар сизни Навоийлар, Бобурлар.**

**Тарих яна айлансину шеър шуурга жойлансин,**
**Ҳар бир суҳбат, ҳар бир сўз шеъриятга боғлансин,**
**Ёшу кекса сўз сеҳридан баҳра олсин, тўлғансин,**
**Шеъру шуур салтанатин яратсинлар шоирлар,**
**Эл орзиқиб кутар сизни Навоийлар, Бобурлар.**

**Ҳар хонада ғазалхонлик, достончилик авж олсин,**
**Байтбарак базмида ташбеҳлар гулгун ёнсин.**
**Топгани китоб бўлсин, уққани китоб бўлсин,**
**Эртак тинглаб улғайишсин, баҳодирлар, ботирлар,**
**Эл орзиқиб кутар сизни Навоийлар, Бобурлар.**

**Навоийнинг навосидан уйғонсин чақалоқлар,**
**Бобурийлар салтанатин унутмасин йигитлар.**
**Туғулишсин бу ўлкада зеҳнлилар, закийлар,**
**Кундан-кунга кўпайсинлар маърифатли олимлар,**
**Эл орзиқиб кутар сизни Навоийлар, Бобурлар.**

**Ҳур уйғониш даври бўлсин Янги Ўзбекистонда,**
**Илму урфон даври бўлсин Янги Ўзбекистонда.**
**Буюк давлат бўлсин яна Ўзбекистон жаҳонда,**
**Миллат шаънин улуғлашсин, юртим деган ровийлар,**
**Эл орзиқиб кутар сизни Навоийлар, Бобурлар.**

“Бойсун” газетаси ижодий жамоаси Ўзбекистон халқ шоири, ҳамюртимиз Усмон Азимовга акаси

**Абдилҳаким ота**

нинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

BOYSUN

MUASSISLAR: Xalq deputatlari Boysun tuman Kengashi va tuman hokimligi

BOSH MUHARRIR Davron ORIPOV

NAVBATCHI: Parda NAZAROV.

Internet materiallaridan foydalaniladi.

Gazeta 2012-yil 2-fevral viloyat Matbuot va axborot hududiy boshqarmasida 11-043-raqam bilan ro`yxatga olingan.
Indeks: 64622
Bahosi kelishilgan narxda.

ISSN 2181-7073

Hajmi - 2 bosma taboq.
Bichimi A-2
Chop etishga topshirish vaqti - 17 00
Topshirildi - 16 00
Adadi : 2000
Buyurtma №

Gazeta sifatiga bosmaxona mas`ul

(t) - tijorat materiali.

Mualliflar fikri tahririyat nuqtai nazaridan farq qilishi mumkin.
Qo`lyozmalar egasiga qaytarilmaydi, yozma javob berilmaydi.
«BOYSUN» gazetasidan materiallarni ko`chirib bosish muharririyat roziligi bilan amalga oshirilishi lozim.
Gazeta oyiga ikki marta o`zbek va tojik tillarida chop etiladi.

TAHRIRIYAT MANZILI:
190401, Boysun, Zartepa ko`chasi, 37-uy.
Telefonlar: 76-33-51-368, 99-733-06-59
e-mail: boysun@umail.uz

Gazeta «Boysun» tahririyati kompyuter markazida terildi va sahifalandi.

Gazeta “Surxon tongi”va “Zarya Surxana” gazetalari bosmaxonasida chop etildi. Manzil:Termiz shahri Shukrona ko`chasi 19-A uy.